

Жаннатнинг олий даражасига эришадиган кишилар



18:25 / 13.04.2017 6464

Иймон келтирган кишининг энг олий мақсади – бу Аллоҳнинг розилиги ва бунинг мукофоти ўлароқ, жаннатнинг энг олий даражаси бўлган Фирдавс жаннатидир. Бу тасаввур қилиб бўлмас ва мисли кўрилмаган мукофот дунёдаги солиҳ ҳаёт учундир. Аҳли Фирдавсдек олий мақомга қандай эришилади? Аввало, аҳли жаннатларга берилган муждаларни ўрганайлик.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

«У ерда нима хоҳласалар, уларники. Ва ҳузуримизда зиёдаси бор» (Қоф сураси, 35-оят).

(Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Агар мўмин киши жаннатда фарзанд хоҳласа, унинг ҳомиласи, туғилиши, ўсиши бир соатда бўлади», деганлар. «Ва ҳузуримизда зиёдаси бор» – Аллоҳ таолонинг жамолига назар солиш бахтидир, деган ривоят ҳам мавжуд.)

«Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амаллари мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас» (Сажда сураси, 17-оят).

(Яъни, ҳеч бир одам яхши амаллари эвазига жаннатда беркитиб қўйилган, кўзни қувонтирадиган мукофотлар борлигини идрок қила билмас. Улар риё бўлмасин, деб амалларни кечасида, махфий равишда қилгани учун Аллоҳ

таоло ҳам уларга берадиган мукофотини махфий қилиб, беркитиб қўйган.)

«Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийдир. Ақл ишлатмайсизларми?» (Қосос сураси, 60-оят.)

Убода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Жаннатда юзта даража бордир. Икки даражанинг ораси осмон билан ерчалиқдир. Фирдавс унинг энг олий даражасидир. Ундан жаннатнинг тўрт анҳори отилиб чиқади. Унинг устида Арш бўлади. Агар Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, Фирдавсни сўранг», дедилар».

Имом Термизий ва Имом Бухорий ривоят қилганлар.

Фирдавс – энг олий, энг яхши ва энг бахтиёрлик мақомидир. У Аллоҳнинг Арши остидадир. У ер ҳар бир Аллоҳ таоло ризосини истаб ҳаракат қилувчи, Қуръони Каримда васфланган олти тоифа инсон учун очиқдир.

Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай марҳамат қилади:

«Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар. (Улар) намозларида хушў қилувчилардир. (Улар) беҳуда нарсалардан юз ўгирувчилардир. (Улар) закотни адо қилувчилардир. (Улар) фаржларини сақловчилардир. Магар ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлардан (сақламасалар), албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Ким ана шундан бошқани талаб қилса, бас, ана ўшалар тажовузкорлардир. (Улар) омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир. (Улар) намозларини муҳофаза қилувчилардир. Ана ўшалар ворис бўлувчилардир. (Улар) Фирдавс (жаннатини)ни мерос олурлар, улар унда абадий қолувчилардир» (Муъминун сураси, 1–11-оятлар).

Шундай қилиб, аҳли Фирдавс кишилар тоифалари:

1. Намозларини хушў билан адо қилувчи мўминлар.
2. Беҳуда (беҳуда гап-сўзлар, ишлар ва ғийбату бўҳтон) нарсалардан ўзини тийган мўминлар.
3. Закотни адо қилувчи мўминлар.
4. Фаржларини (иффат ва номус) сақловчи мўминлар.

5.Омонат ва аҳдга вафо қилувчи мўминлар.

6.Намозларини (вақтида ўқишлик билан) муҳофаза қилувчи мўминлар.